

Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятдан

Касаба уюшмаларининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари зиммасида ишловчи хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, соғлом ва ҳавфсиз меҳнат шароити яратиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлашдек гоят кенг қамровли вазифалар турибди.

96 та мусобақа ўтказилди. Март ойида олий ўқув юртлири талабалари ҳамда академик лицей, касб-хунар коллежлари ўқувчи-қизлари ўртасида югуриш (кросс) бўйича «Аёллар —

дона» хусусий корхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тикувчилик цехида хотин-қизлар учун 18 та янги иш ўрни яратилди.

Касаба уюшмалари томонидан 29 та корхона, ташкилот ва ҳўжаликларда хотин-қизларнинг меҳнат ҳўқуқлари таъминланиши, ишлаш учун зарур шароитлар яратилиши бўйича аҳвол ўрганилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан маъмурият ва касаба уюшма кўмиталарига тақдимномалар киритилди.

Фалларол туманидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ишловчи хотин-қизлар учун жамоа шартномаларида белгиланган «Аёллар меҳнатини тартибга солиш, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган кўшимча имтиёзлар ва кафолатлар» бандининг бажарилиши аҳоли, Жиззах шаҳридаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишида меҳнат қилаётган, касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари ҳимояси таъминланиши, уларга ҳавфсиз ва етарли иш шароити яратилиши тўғрисидаги масалалар комиссиясиз йиғилишида атрофлича муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди ва ижроси назоратга олинди.

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, Давлат дастурларини ҳаётга изчил таътиб этиш, инсон манфаатларини таъминлашдек эзгу ишларда касаба уюшмалари иштирокини янада фаоллаштириш бундан бўён ҳам диққат марказимизда бўлади.

Насиба ГАЙРОВА,
Жиззах вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси

Янгиланиш

Бухоро вилоятида қишлоқ ҳўжалиги соҳасини насос станцияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки фойдаланиладиган сувнинг деярли барчаси насослар орқали етказиб берилди. Бу борада «Аму-Бухоро» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси жамоасининг хизматлари алоҳида ўрин тутади. Салкам 700 киши меҳнат қилаётган корхонада 18 та насос станцияси, 612 та зах қочирши ва 265 та сугориш тик қудуқлари мавжуд. Булар, асосан, қишлоқ ҳўжалиги экинларини сугориш ва ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга хизмат кўрсатади.

Ҳамжиҳатлик шарофати



Юртбошимиз ва ҳукуматимизнинг бевосита ғамхўрлиги туфайли соҳада янгиланиш сари дадил қадам ташланиб, салмоқли натижаларга эришилаётди. Жумладан, ўтган йили «Қорақўл» насос станцияси реконструкция қилинди. Натижада, ҳар йили 1080 млн. кВт/соат электр энергиясининг тежалишига имкон туғилди. Айни пайтда «Олот» насос станциясида қайта қуриш ишлари жадаллик билан амалга оширилмоқда.

— Жамоамиз олдида гоят маъсулиятли, аммо шарафли вазифалар қўйилган, — дейди бошқарма бошлиғи Шариф Ашуров биз билан суҳбатда. — Сув таъминоти ва ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш борасида белгиланган режаларни вақтида ҳамда сифатли амалга ошириш ҳар бир ходимдан малака ва ҳўшёрликни тақозо этади.

Ҳамжиҳатлик бор жойда муваффақият ҳам бўлади. Корхонада 2012-2014 йиллар учун имзоланган жамоа шартномасида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларига доир имтиёзлар ўз аксини топган. Айниқса, кейинги йилларда касаба уюшма тизимида амалга оширилган тақомиллаштириш жараёнида бошланғичларга эътиборнинг оширилиши ходимларга ғамхўрлик доирасини кенгайтирди. Аъзолик афзалликлари амалда ёрқин намоён бўлди.

Ғап ғақат аъзолик бадалларининг бошланғич ташкилот ҳисобиде кўпроқ қолишида эмас. Оналар ва болаларга, ёшлар, кам таъминланган оилалар, ногиронларга ғамхўрликнинг қўнайтирилгани, ходимларнинг касб маҳорати оширилиши, спортнинг оммавийлиги таъминланиши, меҳнат шароитининг яхшиланиши, иш ҳақининг вақтида тўлашиши устидан назорат олиб борилиши каби қатор жиҳатлар корхонада касаба уюшма ташкилотининг обрў-эътиборини юксалтирмоқда.

Гарчи, корхонага тегишли насос станциялари кеча-кундуз ишласа-да, ходимлар учун 40 соатдан ортиқ бўлмаган меҳнат шароити яратилган. Ишчи-мутохассисларнинг иш стажига қараб, ҳақ тўланадиган кўшимча таътиллар белгиланган. Аёллар учун кўшимча имтиёзларнинг доираси эса янада кенг. Иш берувчи ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг 0,15 фоизи миқдоридеги маблағни маданий-маърифий, соғломлаштириш ишлари учун касаба уюшмаси кўмитаси ҳисоб-рақамига ўтказиш мажбуриятини олган. Шу ҳисобдан, «Маънавият хонаси» ташкил этилиб, талаб даражасида жиҳозланди.

Спорт билан шуғулланиш учун барча шароит яратилиб, меҳнат жамоасида ишлаб чиқариш гимнастикаси жорий этилди. Ходимлар ўртасида спартакиада ва мусобақалар ўтказиб келинмоқда.

Корхонада кейинги йилларда бахтсиз ҳодиса ва шикастланишларга йўл қўйилмагани эътиборга молик. Сабаби, ўтган йили меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари учун 15,8 млн. сўм сарфланган бўлса, жорий йилда бу миқдорни 20 млн. сўмдан ошириш кўзда тутилган. Амалдаги йилда меҳнат муҳофазаси ва техника ҳавфсизлиги бўйича 130 нафар (ўтган йилга нисбатан 80 нафар кўп) насос станциялари муҳандиси, машинист, чилангар, электрик ва қранчилар ўқитилиб, аттестациядан ўтказилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш муҳандиси Акрам Мамедовнинг айтишича, бу борада «Қорақўл», «Сайёт», «Олот», Алишер Навоий номи насос станцияларидан Асрор Собиров, Алишер Бердиев, Нормамат Назаров ва Робби Воҳидов сингари вакилларнинг малакалари юқори баҳоланди.

— Корхонамизда ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш баробарида, ёш мутохассислар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмиз, — дейди касаба уюшма кўмитаси раиси Хадича Умурова. — Масалан, Латофат Атоева шу йили Бухоро ирригация ва мелiorация касб-хунар коллежини битириб сифимизга қўшилди. Айни пайтда у қурилиш бўлимида ишлаб, устози Жаҳонгир Мамедовдан касб сирларини ўрганмоқда. Шунингдек, Маржона Насруллаева, Шухрат Обидов, Меҳриддин Аҳмедов, Дилфуза Саидова сингари ёшлар ҳам устозлар ишончини оқлайтир.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

СУРАТДА: касабақўм раиси Хадича Умурова (ўнгда), фаоллар Дилбар Жабборов ва Акрам Мамедов.

Муаллиф олган сурат

Эзгуликка йўғрилган

Фаолиятимизда самарадорликка эришиш мақсадида давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси билан биргаликда аёлларни кичик бизнес ва тадбиркорликка йўналтириш, бу билан янги иш ўринлари яратиш борасидаги билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида жойларда консултив гуруҳлар ташкил этилган.

Вилоят маданият ва спорт ишлари, соғлиқни сақлаш бошқармалари, «Қалб нури» маркази вилоят бўлими билан ҳамкорликда «Жиззахдонмахсулотлари» ОАЖ, Узи Жиззах филиали ва бошқа муассасаларда «Эрта никоҳнинг салбий оқибатлари», «Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг келажак авлодга таъсири», «Соғлом она — соғлом фарзанд» мавзусида суҳбатлар ўтказилди.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомилдорлик ва туғиш нафақаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва миқдор бўйича тўлашда иш берувчининг мажбурияти ва ундан бўйин товлагани учун жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти юзасидан Арнасой, Дўстлик, Зомин, Зарбдор туманларида ходим-

лар ва иш берувчилар иштирокида ўқув-семинарлар ўтказилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида жамоа шартномалари ва келишувлар орқали эҳтиёжманд аёллардан саккиз нафари, ишлайдиган ёш оналардан 12 нафари бепул соғломлаштирилди. «Умид гулшани» санаторийсига 14 нава имтиёзли йўлланма ажратилди, фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунча таътилда бўлган аёлларга 13,4 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 271 нафар ёш болалар аёлнинг оилаки маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси бир соатга қисқартирилиб, кам таъминланган оилалар моддий қўллаб-қувватланди.

Касаба уюшма ташкилотлари томонидан оммавий байрамлар атрафасида хотин-қизларга алоҳида эътибор берилиб, моддий ёрдам уюштирилмоқда. «Жиззахдонмахсулотлари» ОАЖда 1,9 млн., Жиззах аккумулятор заводида 2,3 млн., Дўстлик пахта тозалаш корхонасида 1,9 млн. сўмлик маблағ шу мақсадларга сарфланди.

Аёллар ва оилалар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларни спортга жалб этиш мақсадида шахар ва туманларда

тинчлик ва ободлик элчиси!» шиори остида марафон ўтказилди. Бошланғич касаба уюшма ташкилотларида «Спорт — саломатлик гарови!» шиори остида ўтказилган мусобақаларда 17584 нафар ишчи-ҳодим фаол қатнашди ва таъқидлаш жоизки, уларнинг аксариятини хотин-қизлар ташкил этди. «Касаба-ТУР» веломарафонда ҳам аёлларнинг фаол иштироки таъминланди. 38705 нафар киз спортнинг 12 тури бўйича мунтазам шуғулланиб келмоқда. Оммавий спортга жалб этилган оилалар сони тўрт юздан ортиб кетди.

Вилоятимизда олти юз мингга яқин хотин-қиз истикомат қилади. Юз ёшдан ошган табаррук онахонлар 81 нафар. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи аёлларимиз сафи тобора кенгайиб, улар бугун 5894 нафарга етди. Шунингдек, 103 нафар олина, маҳаллий кенгашлар депутатлари бўлган 83 нафар хотин-қиз сафимизда самарали фаолият олиб бораётди.

Аёлларни иш билан таъминлашнинг манзилли дастури асосида жорий йилнинг ўтган даврида 16075 та иш ўрни яратилди. Бу муҳим жиҳада вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг ҳам ўз ўрни бор. «Шукур-Дур-

Очик мулоқот

Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида ташкил этилган семинарда тизимда кечаятган ўзгариш ва янгиланган ҳақида сўз борди.

Йиғилганлар дастлаб бирлашма болими бўлими мудирини К.Қорхонановнинг маърузасини тингладилар ва бошланғич ташкилотлар фаолиятида асқотадиган даромад ва харажатлар сметасини тузиш, сийхаттоҳга

Билимлар бойида олинган йўлланмаларни расмиёлаштириш тартиби, меҳнат жамоаларининг йиллик иш ҳақи фонди сингари қўллаб масалаларда ўз билимларини мустаҳкамладилар. Шунингдек, бирлашма бўлими мудирлари И.Юнусов, Ш.Баҳриддинов, Ф.Раҳмонов, Э.Умурзоков, И.Турсунов, А.Сангиловнинг ижтимоий суғурта, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий ҳимоя, ташкилий, ҳуқуқий, маданий-маърифий масалаларга оид чиқишлари тингланди.

Очик мулоқот тарзида ўтган семинар иштирокчиларнинг қизиқарли савол-жавоб ва фикр-мулоҳазалари билан янада бойиди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Конституция ва касаба уюшмалари

Маънавият кучли инсонни дунёдаги энг бахтлилар сирасига киришти мумкин. Зеро, бундай кишилар дуч келганинг етовига юриб, ногорасига ўйнашдан йироқ бўлади. Узини, ўзлигини пок асрай олган инсон ҳаммиса улуг мақсадларни кўзлайди, бу йўлдан уни огдириб бўлмайди. Турли корхона ва ташкилотларда доимий равишда ўтказиб келинаётган Маънавият соатлари айни шу мақсадни кўзлаган.

Маънавият соатлари

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ушбу тадбирларни янада мазмундор ўтказиш борасида тегишли амалий ва услубий таътиплар амалга оширилмоқда. Шунингдек, ҳар бир ҳудудда Маънавият соатлари ўтказиш йўлга қўйилиб, муайян корхона ишчи-ҳодимларидан ташқари, тажриба алмаштириш мақсадида ҳудуддаги тармоқ касаба уюшмалари етакчилари ҳам тақлиф этилаётди. Хусусан, Наманган Давлат университети, Уйчи туманидаги маънавий хизмат касб-хунар коллежи, «Тўрақўрғоннефтгаза» УК, «Учқўрғондонмахсулотлари» ОАЖ, Наманган шаҳридаги 1-поликлиника ва бошқа ташкилотларда ўтган Маънавият соатлари қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Мазкур тадбирлар «Конституция ва касаба уюшмалари» мавзусида ташкил этилмоқда. Ҳар бир мулоқот, юзма-юз учрашувларда Конституциямиз асосида юртдошларимизнинг ҳақ-ҳуқуқ ва манфаатлари тўла кафолатланганлиги эътироф этилаётди.

Дилфуза СУЛТОНОВА,
Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудирини

Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги 4-умумтаълим мактабида «Конституция — асосий қонунимиз» мавзусида Маънавият соати ташкил этилди. Касаба уюшма фаоллари, ўқитувчилар ва ўқувчилар иштирок этган тадбирни мактаб касаба уюшма кўмитаси раиси Шаҳодат Шомиразоева очди. Сўзга чиққанлар инсон ва унинг ҳаётини улугловчи, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимояловчи Бош Қомусимизнинг аҳамияти ҳақида сўз юритишди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Юксак сифат ва улкан самарадорлик

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ўз фаолиятини 2004 йилда бошлаган мазкур корхонада илгор технологиялар асосида қирқдан ортиқ турдаги дори воситаси ишлаб чиқарилади. Юқори сифатли, рақобатбардор, халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадиган махсулот тайёрлашда замонавий ускуналардан фойдаланилади. «Novopharma Plus» маъсуляти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган дори воситалари ISO 9001:2008 халқаро стандартига мос. Ушбу кўшма корхона, шунингдек, GMP халқаро сертификати билан ҳам тақдирланган. Корхонада жорий этилган сифат бошқаруви тизими учун тақдим этилган мазкур нуфузли халқаро сифат сертификати стандартларини сақлаб қолиш мақсадида «Novopharma Plus» ҳар йили тегишли хорижий ташкилотлар томонидан сифат текширувидан ўтади.

Кўшма корхона жамоаси ўз махсулотларини ички бозорга чиқариш билан чекланиб қолмасдан, экспорт кўламини ҳам кенгайтираётди.

— Корхонамизда махсулот тайёрлаш сифатига катта эътибор қаратилмоқда, — дейди «Novopharma Plus» кўшма корхонасининг маркетинг бўлими директори Алишер Зокиров. — Президентимиз Ислам Каримовнинг мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратаётган доимий эътибори, жумладан, жорий этилган қўллаб бож ва солиқ имтиёзлари муваффақиятларимиз омили бўлмоқда. Бундай ғамхўрлик ва рағбат корхонамизда янги иш ўринлари яратиш, махсулот экспорти жўғрофиясини янада кенгайтириш имконини бераётди.

«Novopharma Plus»-да ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин кенгайиб, махсулот турлари кўпайиб бораётди. Жумладан, 2012 йилда махсулот ишлаб чиқариш ҳажми 10,5 миллиард сўмни ташкил этди. 2013 йилнинг ўн бир ойида бу кўрсаткич ўн беш фоиз ошди.

Махсулот сифатини назорат қилиш энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган махсус лабораторияда амалга оширилмоқда. Корхонадаги

Ирода УМАРОВА, Ўза мухбири

СУРАТЛАРДА: ишчилар Барно Дониёрова ва Жамшид Маматкаримов; ишчи Станислав Дубский.

Асқар ЁҚУБОВ
(Ўза) олган суратлар

ЗАМОНАВИЙ, ХАРИДОРГИР...

Кувасой шаҳридаги «UNI-TEX LTD» Ўзбекистон-Буюк Британия кўшма корхонаси Фарғона вилоятида изчил ривожланаётган энгил саноат корхоналаридан бири. 2010 йилдан бўён фаолият кўрсатиб келаятган корхонада эллиқдан ортиқ турдаги трикотаж махсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Илгор технологиялар билан жиҳозланган ва 120 киши меҳнат қилаётган корхонада 2013 йилнинг ўн бир ойида қарийб 89 минг дона трикотаж махсулотлари ва 23 тонна газлама тайёрланди.

СУРАТДА: ишчи Ойша Аббосова.

Муқимжон ҚОДИРОВ
(Ўза) олган сурат



Излаган имкон топар

«Турон Хожели» ОАЖ бошланғич касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикасидаги намунали ташкилотлардан ҳисобланади. 306 нафар касаба уюшма аъзосига эга корхонада мустақиллик йилларида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Техник ва технологик янгиланишлар меҳнат самарадорлигини ошириш баробарида ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Хусусан, Хитой ва Россиядан олиб келиб ўрнатилган экстракция ва кўшимча қадоқлаш линиялари, цех ускуналари ишнинг сифатини ҳамда самарадорлигини оширишга имконият бераёпти.

— Жамоамизда ишлайдиган ҳар бир киши касаба уюшма эътиборида, — дейди касабақўм аъзоси Дусбергён Ернарзоров. — Жорий йилнинг шу кунигача ишчиларимизга 2 млн. 660 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Корхонамизда узоқ йиллар меҳнат

қилиб пенсияга чиққанлар ҳам эътибордан четда эмас.

Аҳил жамоада турли тадбирлар ўтказиш аънаънага айланган. Қувончи-

Аҳилликда гап кўп

Ишчилар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга ҳам катта эътибор қаратилган. Жамоа шартномасига асосан жорий йилда 10 нафар бола Самарқанд шаҳридаги оромгоҳларда ҳордик чиқарган бўлса, 4 нафар ходим Хонқа ва Тахия-

тош шаҳарларидаги сийхаттоҳларда соғлигини тиклади. Йўлланмалар нархининг 55 фоизидан 100 фоизгача касаба уюшма ҳисобидан ўтказиб берилмоқда. Ёрдам тариқасида ҳар бир йўлланма эгасига 160 минг сўмдан му-

қофот пули ажратилди.

Яқинда намунавий лойиҳа бўйича қурилган уй-жойлар мавзесида корхона ҳисобидан болалар спорт майдончаси барпо этилди. Бундан болажонларнинг қувончи чексиз.

«Турон Хожели» ОАЖ касаба уюшма кўмитасининг эзгу ишлари беиз кетмади. Шу йил августда бўлиб ўтган «Энг намунали бошланғич ташкилот» қуриқ-танлови ҳудудий босқичида ғолибликни қўлга кириштиб, 1-даражали диплом ва қимматбаҳо совғага муносиб деб топилди.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

Касаба уюшма спорти

Бухоро шаҳридаги 4-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ногиронлар фаолият кўрсатаётган корхоналар ўртасида шахмат, шашка ва армрестлинг бўйича вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси соврини учун шахсий биринчилик бўлиб ўтди.

Шахсий биринчилик

Эркаклар ўртасида 24-интернат ишчиси Наримон Муродов (шахмат), Замира Султонов (армрестлинг), иштирокчи аёллар орасидан эса ўкув ишлаб чиқариш комбинати ишчиларидан Гулбахор Нуруллаева (шахмат), Замира Нуруллаева (шахка) ва Шахноз Султонова (армрестлинг) биринчи ўринларни эгалладилар.

Ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. **Лобар БАРАКАЕВА, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг етакчи мутахассиси**

Қарши шаҳридаги «Насаф» стадионида Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимларининг Обод турмуш йилига бағишланган «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» тармоқ спартакиадаси ўтказилди.

Отам, онам ва мен...

Барча вилоятларда сараланган спорт-сеवार оилалар «Учта шар», «Ким ўзди», «Тўпни тушириб юборма», «Қопларда сакраш», «Комбинацияланган» эстафета шартлари бўйича қизгин мусобақаларда иштирокчи бўлиб, қизқарли беллашувлар якунида би-

ринчи ўринни Наманган вилоятдан ташриф буюрган Ғайрат Исомидинов оиласи эгаллаган бўлса, иккинчи погонадан мезбонлар вакили Исмоил Шомардонов хонадони аъзолари жой олди. Учинчи ўрин эса сирдарёлик Валиқул

Кўнгиш қувонсин

Бош Қомусимиз қабул қилинганнинг 21 йиллиги ва Халқаро ногиронлар куни муносабати билан Истеъмом товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Кўзи оқизлар ҳамда Карлар жамиятлари билан ҳамкорликда спорт мусобақаси ташкил этди.

Тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ҳар йили ўтказиб келинаётган мусобақа ногиронлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, улар ўзларини жамиятнинг бир бўлаги эканлигини ҳис

этиб яшашига кўмаклашишга қаратилган. Шахмат, шашка ва армрестлинг бўйича эркалар ва аёллар ўртасида «Спорт — барча учун» шiori остида ўтган бу галги беллашувларда 40 нафар иштирокчи икки гуруҳга

бўлинган ҳолда беллашдилар.

Қизғин ўтган баҳсларда ғолиб ва совриндорлар тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашининг диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Бундан ташқари, ҳар бир спорт тури бўйича номинантлар аниқланиб, уларга рағбатлантирувчи совғалар топширилди.

Комила БОЙМУРОДОВА, «Ishonch» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги муносабати билан Гулистон шаҳридаги «Алпомиш» спорт мажмуасида корхона ва ташкилотларда фаолият юритувчи ишчи-ҳодимлар ўртасида касаба уюшмалари соврини учун «Алпомиш ва Барчиной» махсус тест мусобақалари ўтказилди.

«Алпомиш ва Барчиной»лар баҳси

Унда тиббиёт, таълим, агросаноат, савдо соҳалари ҳамда давлат ва нодавлат ташкилотларда ишловчи 350 нафар ҳодим иштирок этди.

Ғолиблар вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг қимматбаҳо совринлари билан тақдирланди. Шунингдек, «Энг кекса спортчи»,

«Бош қомус билан тенгдош спортчи», «Ғалабага бўлган иштиёқи учун», «Энг фолл иштирокчи», «Энг маҳоратли иштирокчи» номинациялари бўйича совриндорлар аниқланди.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

Бобоев бошлиқ оилавий жамоага насиб этди.

— Қашқадарёдан бир олам таассурот билан қайтаяпмиз, — деди наманганлик Ғайрат Исомидинов. — Тармоқ касаба уюшмасининг Қашқадарё вилоят бирлашган қўмитаси томонидан кўрсатилган эътибордан жуда мамнун бўлдим. Мусобақадан бўш вақтда қадимий ва навиқрон Қарши шаҳрининг диққатга сазовор жойларини томоша қилдик. Айниқса, яқинда тўлиқ таъмирдан чиқарилган Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ зиёратгоҳи бизда катта таассурот қолдирди.

Ақмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Таълим

Марғилон шаҳридаги 6-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида немис тили чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилади. 70 нафар педагог меҳнат қилаётган мактабга Германиянинг «Шпрахдилом» — мактаби» сертификати берилган.

Германиядан тухфа

Яқинда бу ерга Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари ташриф буюриб, мактабга 5 та аудиомагнитофон, ксерокопия аппарати, 1 та жамланма офис мебели, 5 та сўнгги русумдаги компьютер, 36 та ўқув видеокассетаси, Германияда чоп этилган 20 минг китобдан иборат ўқув дарсликлар туркумини тухфа этишди.

— Мазкур совғалар ўқувчиларимизни кунт билан билим олишга ундамоқда, — дейди мактаб директори Замирахон Давидова. — Жамоамиз таълим сифат ва самарадорлигини янада яхшилашга интиляпти.

Элчихона тақлифига асосан мактабнинг 8 нафар немис тили ўқитувчиси 1997 йилдан 2005 йилгача Германиянинг Гёте институти ҳамкорлигида ушбу мамлакатдаги турли университет ва мактабларда ўтказилган семинарларда қатнашиб, малака ошириб кайтиди. 21 нафар аълоқ ўқувчи элчихона ташаббуси билан Германияга бепул саёҳатга юборилди. 13 нафар ўқувчи эса Бутунжаҳон ёшлар фольклор фестивалида қатнашишга муваффақ бўлди.

Муҳаммадҷон МАХМУДОВ

Реклама ва эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади.

I. 2013 йил 14 январ куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Тошкент вилоят Хўжалик судининг 06.03.2013 йилдаги №11-1232/18114-сонли Хал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «MISHELIN-AVTO» масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг 04.12.2013 йилдаги йиғилиш баёнига ва тугатиш бошқарувчисининг 06.12.2013 йилдаги 119-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобидаги жами бошланғич баҳоси — 445 332 633 сўм бўлган жами 210 номдан иборат мулклар ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибида қўйилмоқда.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) 13.01.2014 йилга қадар соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

II. 2013 йил 24 декабр куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Тошкент вилоят Хўжалик судининг 06.03.2013 йилдаги №11-1232/18114-сонли Хал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «MISHELIN-AVTO» масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг 04.12.2013 йилдаги йиғилиш баёнига ва тугатиш бошқарувчисининг 06.12.2013 йилдаги 120-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобидаги қуйидаги автотранспорт воситалари ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибида тақдоран қўйилмоқда.

1-ЛОТ. Mazda 3 1.6 AT Sedan русумли д/р 10/064 MAA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 59 089 000 сўм.

2-ЛОТ. Mazda CX-7 2.3 DISI Turbo русумли д/р 10/059 САА автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 79 963 000 сўм.

Талабгорлар диққатига! Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизи миқдордаги закалат пуллари тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

III. 2013 йил 24 декабр куни соат 14:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 21.07.2013 йилдаги 10-1307/5285-сонли Хал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «FAYZDEKOR» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси кредиторларининг 17.10.2013 йилдаги йиғилиш баёнига ва тугатиш бошқарувчисининг 06.12.2013 йилдаги 52-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобидаги жами бошланғич баҳоси — 122 866 400 сўм бўлган жами 136 номдан иборат мулклар ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибида тақдоран қўйилмоқда.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) 23.12.2013 йилга қадар соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Талабгорлар диққатига! Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пуллари тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичиди олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади. Закалат тўлови учун рекузитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» МЧЖ, х/р: 2020800005028108001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 302523082, ОКОНХ: 84500.

Аукцион савдосига қўйилган ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибидаги мулклар рўйхати, уларнинг тавсифи, бошланғич баҳоси бўйича маълумотлар ёки мулклар билан тугатиш бошқарувчиси иштирокчида жойига чиқиб ҳамда «Аукцион ташкилотчиси»га мурожаат қилган ҳолда танишиш мумкин. Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

«Аукцион ташкилотчиси» — «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» масъулияти чекланган жамияти Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги биноси 7-қавати). Тел: 8 371 233-21-18, +99893 553-51-41. E-mail: kmss.res@mail.ru, yu-voxnoma № 006263.

Аукцион савдолари хабарномаси «REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади.

2013 йил 24 декабр куни соат 12:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ўтказиладиган савдоларга Тошкент вилоят Хўжалик судининг 06.03.2013 йилдаги №11-1232/18114-сонли Хал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «MISHELIN-AVTO» масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг 04.12.2013 йилдаги йиғилиш баёнига ва тугатиш бошқарувчисининг 06.12.2013 йилдаги 121-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобидаги қуйидаги кўчмас мулк объектлари ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибида бошланғич баҳоси арзонлаштирилган ҳолда тақдоран қўйилмоқда.

1-ЛОТ. Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Охангарон кўчаси, 113-уй манзилида жойлашган савдо дўкони биноси.

Бошланғич баҳоси — 380 000 000 (Уч юз саксон миллион) сўм;

2-ЛОТ. Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Охангарон кўчаси, 114-уй манзилида жойлашган савдо дўкони биноси.

Бошланғич баҳоси — 94 536 (Тўқсон тўрт миллион беш юз ўттиз олти минг) сўм;

3-ЛОТ. Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Охангарон кўчаси, 115-уй манзилида жойлашган савдо дўкони биноси.

Бошланғич баҳоси — 95 522 (Тўқсон беш миллион беш юз йигирма икки минг) сўм;

4-ЛОТ. Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Янги Сергели йўли, 3-уй манзили «Сергели ихтисослашган бозори» ҳудудида жойлашган 12/4-қатор, 26-сонли савдо дўкони биноси.

Бошланғич баҳоси — 60 000 000 (Олтмиш миллион) сўм;

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманома «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2013 йил 23 декабр кунига қадар соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Талабгорлар диққатига! Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизи миқдордаги закалат пуллари тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичиди олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади. Закалат тўлови учун рекузитлар: «REALTOR-CONSULTING GROUP» МЧЖ, х/р: 20208000700234536001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 207186573, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тугатиш бошқарувчиси иштирокчида жойига чиқиб танишиш мумкин. Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

«Аукцион ташкилотчиси» — «REALTOR-CONSULTING GROUP» МЧЖ Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги биноси 7-қавати). Лицензия RR 0170, тел: 8 371 233 21-18, +99893 529-30-13 E-mail: rg.group@inbox.ru. Хизматлар лицензияланган.

ХУНАР — ХУНАРДАН УНАР

Нилуфар Қаҳҳорованинг миллий матоларимиздан яратган гўзал ва бежирим либослари кўплаб хотин-қизлар эғнида ярашиб туради. Боси, ўз хунарига ихлоси баланд чевар доимо изланишда.

Обод турмуш йилида Н.Қаҳҳорова мавжуд имтиёз ва имкониятлардан унумли фойдаланиб Жондор тумани марказида «Ўзбегим атлас ва адраслари» савдо дўконини очди. Айни вақтда бу ерда ўнлаб турдаги миллий матолар савдога қўйилган. Шу ернинг ўзида тиқиб-биқиб хизмати йўлга қўйилгани эса харидорларга янада кенг қулайлик бўлди.

СУРАТДА: чевар Шахло Қудратова. **Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат**



Реклама ва эълонлар

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАРИ ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ, ДИҚҚАТИГА!

ФАРФОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: «Фарғона вилояти, Қўқон шаҳар, Маҳрам кўчаси, 147 даги 2-Баталон ППХ объектларини реконструкция ишлари» Муддати — 01.07.2014 йил. Бошланғич нархи — 3 373 930 387 сўм ҚҚС билан; 2 811 608 656 сўм ҚҚС сиз. Манзил: Фарғона шаҳар, Темирийўлчилар кўчаси, 37-уй, тел: (373) 400-52-80, 244-24-33 (факс). Қурилиш ишлари: Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн. сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказилган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат тақлифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилди. Талабгор сифатида иштирок

этиётган соҳилқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинмади. Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Фарғона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси, 37-уй, телефон/факс: (373)244-55-32, 98-276-45-48.

Танлов ҳужжатларининг бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм. Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда оферталарни очиб кўриш ва вақтигача қабул қилинади. Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин, Фарғона шаҳар, Темирийўлчилар кўчаси, 37-уй манзилида ўтказилади. Хизматлар лицензияланган.

Танлов ҳужжатларининг бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм. Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда оферталарни очиб кўриш ва вақтигача қабул қилинади. Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин, Фарғона шаҳар, Темирийўлчилар кўчаси, 37-уй манзилида ўтказилади. Хизматлар лицензияланган.

Матбуот анжумани

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Интеллектуал мулк ва «Узархив» агентликларини томонидан «Муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя қилиниш тизимини янада такомиллаштириш масалалари: тажриба, муаммо ва ечимлар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Муаллифлик ҳуқуқи: тажриба, муаммо ва ечимлар

Анжуманда мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишнинг пухта ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилгани, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонун фан, адабиёт ва санъат асарларини, шунингдек, ижро, фонограмма, кўрсатув ёки эшиттиришлар яратиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Шунингдек, Интеллектуал мулк агентлиги томонидан асар муаллифларининг қонунда белгиланган тартибда ҳақ олишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, жойларда ўтказилган текширувлар орқали аниқланган қонунбузилишларга тегишли чоралар қўрилатгани, Миллий архив фондида эса муаллифлик ҳуқуқига оид сақланаётган ҳужжатларни жамлаш ва улардан фойдаланишда самарали ишлар амалга оширилаётгани ҳақида сўз борди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан атрафлича жавоб олишди.

С.АБДУРАҲМОНОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari Zayniddin Rixsiyev Tahrir hay'ati: Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 016-raqam bilan ro'yatga olingan. ISSN 2010-5002

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73. Viloyatdagi muxbirlar: Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo + 998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy. Navbatchi muharrir: A.Qodirova. Nashr ko'rsatkichi: 133. Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soluvda erkin narxda. Buyurtma: 1211 13521 nusxada bosildi 1234